

ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Зойиров Эркин Халилович

Бухоро муҳандислик технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди

***Аннотация:** Ушбу мақолада Яъқуби Чархийнинг “Рисола дар маноқиб ва ақоид” асари асосида нақшбандия фаолиятининг ижтимоий-сиёсий масалаларига таҳлил қилинган бўлиб, рисола ўзбек тилида биринчи марта таржима ва фалсафий таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада Яқуб Чархи томонидан илгари сурилган ҳукмдорларнинг давлат бошқарувини такомиллаштиришга оид зоялари, фикрлари ҳамда таклифлари ижтимоий-фалсафий ўрганилган.*

***Таянч сўзлар:** жамият, сиёсат, ижтимоий, хон, амалдор, подшоҳ, давлат бошқаруви, шарт, Халил Султон, “Рисолаи дар маноқиб ва ақоид”, Нақшбандия таълимоти.*

Тасаввуф ва унинг нақшбандия тариқатининг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш ва ундаги ижобий томонларидан миллий истиқлол мафқурасининг теран илдизлари сифатида фойдаланиш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга ёрдам беради. Жамоанинг тинчлиги ва осойишталиги масаласи тасаввуф аҳлининг мунтазам диққат марказида бўлган.

Яъқуби Чархий фикрича, Баҳоуддин Нақшбанд ва Алоуддин Атторнинг “қутб ул-иршод” даржасида бўлиб, юрт ишларига аралашиб турган. Профессор Г.Наврўзова Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига оид тадқиқотларида мутасаввифнинг подшоҳлар билан мулоқотга киришини куйидагича келтиради: “Тунда танишларимдан бири менинг олдимга келди. “Халил номли бир турк шайходаси сени йўқлаяпти”, – деди. Хурсанд бўлиб ўрнимдан турдим. Куз фасли эди. Бухоро неъматларидан бироз ҳадя олдим ва бордим. У ерда бир хона бўлиб, дарвеш хонанинг бурчагида ўтирган экан. Олдида бир гуруҳ киши бор эди. Салом қилиб ўтирдим. Сўнг ўша тушни айтиш истаги туғён урди. Шу пайт менга туркчалаб: “Улким сенинг кўнглингдадур, ўзи бизга аёндир, айтмоқ не ҳожат?”, деди. Ҳолим ўзгарди, унга майлим янада зиёда бўлди.

Мен унинг мулозаматида бўлдим. Унинг ҳузурида ажойиб ҳолатларни кўрдим. Олти йилдан сўнг унга Мовароуннаҳр подшоҳлиги муяссар бўлди. Уни Султон Халил дер эдилар. Ўша пайтда ҳам ундан улуғ ҳолатлар рўй берарди. Унинг олти йиллик салтанати даврида яна унга мулозим бўлдим, подшолар хизматидаги одобларни ўргандим ва унга хизмат қилиш одобларини жойига қўйдим”. Демак, Нақшбандия тариқати аҳли ҳам ижтимоий ҳаётдан узоқ турган эмас. XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқати ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат “ихтилот” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, борди – келди, мулоқот, суҳбат, машварат, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган.

Бундай анъаналар Марказий Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида юз берган Уйғониш даврининг кейинги босқичида (XIV-XVI асрлар) диёримиздан етишиб чиққан йирик мутасаввифлар Яъкуби Чархий, Хожа Аҳрори Валий (1404-1499), Муҳаммад Қози (1447-1516), Махдуми Аъзам (1461-1542) каби мутасаввифлар томонидан давом эттирилди ва янги ғоялар билан бойитилди. Улар вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий шароит таъсирида ўз салафларининг инсон жамоаларининг келиб чиқиш сабаблари ҳақидаги ғояларини ўзига хос равишда талқин қилиб, жамиятнинг равнақ топиши учун аввало жамиятда мамлакатлараро ва халқлараро уруш ва қирғинликлар, динлараро адоват, инсонлараро низо - жанжаллар барҳам топиб, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ишонч ва муроса устувор мақсадга айланиши кераклигини таъкидлаганлар.

Яъкуби Чархийнинг рисолаларини кўздан кечирганимизда “Рисола дар манокиб ва ақоид” (Манокиб ва ақоид ҳақида рисоласи) асари нақшбандия фаолиятининг ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган бўлиб, “Нақшбандия тариқатига оид қўлғазмалар фихристи” да № 5478/ VI рақам ва 4 варақдан иборат деб берилган. Лекин қўлғазмани фонддан қўлга киритганимизда 5478/VII билан турганлигига ҳамда 45 варақдан иборатлигига гувоҳи бўлдик.

Рисола ўзбек тилида биринчи марта таржима ва фалсафий таҳлил қилинди. Рисоладан кўринадикки, Яъкуби Чархий ўзи яшаган даврдаги хонлар ва амалдорларнинг давлатни бошқариш ишларига бефарқ қарай олмаган. Мутасаввиф рисолада холифаи рошидинлар, яъни Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толибларнинг халифалик даврлардан бошлаб, уларни халқни дарди билан яшаганликларини келтириб ўтган. Яъкуби Чархий ҳам бошқа мутафаккир ва мутасаввифлар йўлини давом эттириб,

подшоҳларнинг фазилатлари, давлатни бошқаришда ўнта шартга амал қилиш зарурлигини келтиради.

“Билгинки, подшоҳликнинг ўз шартлари бордир. Чунончи, “Захиратул мулук” асарида келтирилганки, бу шартларсиз салтанат ишлари, дунё ва дин тартибга келмайди. Ва мамлакат раиятининг ҳам подшоҳ олдида ўз ҳуқуқлари бордир. Подшоҳ раиятига бу ҳақларни адо қилмай туриб, охират азобидан эмин бўлмайди. Бу китобда булар тўғрисида имо ва ижоз юзасидан зикр қилинади. Аллоҳ муваффақ қилсин”. Демак, халқнинг подшоҳга нисбатан ҳуқуқлари бўлиб, подшоҳ бу ҳуқуқларни амалга оширмаса охиратда азобга дучор бўлади. Форобий “Фозил одамлар шаҳри” рисоласида ўн иккита подшоҳларнинг фазилатини келтирса, Амир Темур “Темур тузуклари” китобида давлатни бошқаришнинг ўн иккита қондасини яратиш шуларга амал қилади. Яъкуби Чархий “Рисола дар манокиб ва ақоид” (Манокиб ва ақоид ҳақида рисола) да эса подшоҳларнинг давлатни бошқаришга оид қуйидаги ўнта шартини келтиради.

Биринчи шарт шуки, бирон воқеа юз берса, подшоҳ ва ҳоким бу воқеада ўзларини раият деб тасаввур қилишлари, раиятни эса подшоҳ ва ҳоким деб ўйлашлари керак. Ана шу пайтда бошқалардан ўзига раво кўрмаган ҳукмни ўзидан бошқаларга раво кўрмайди. Ўзига ёқмаган нарса ҳеч бир мусулмонга ҳам ёқмайди.

Демак, мутасаввиф фикрича, подшоҳ ва ҳокимлар ўзини ишида фуқароларни тенг кўриши, ўзи ёқтирмаган нарсаларни бировларга ҳам раво кўрмаслиги керак. Фуқароларни куч билан бўйсунтиришга мажбур этиш мумкин. Аммо қалбларни бўйсундириб бўлмайди. Одамлар давлат куч жиҳатидан устун бўлганлиги боис бўйсунтиришдан ўзга илож тополмайдилар. Эзгулик ва олижаноблик воситасида фуқароларни бўйсундириш эса қалбларда қувонч туйғуларини уйғотади ва одамлар ҳақиқий итоатгўйликни намойиш этадилар.

Иккинчи шарт шуки, мусулмонлар ҳожатини раво қилишни ибодатларнинг энг афзали деб ҳисобласин. Мутасаввиф фикрини асослаш учун Пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадисларини келтиради: “Мўъмин кишининг қалбига сурур бахш этиш сақалайн (инсу жин) нинг ибодатидан афзалроқдир”. (Яъкуби Чархий араб тилида келган бу хабарни “инсу жиннинг ярим ибодатидан афзал деб таржима қилган”. Э.Зойиров). Бас, мусулмонлар подшоҳига шарт шуки, у муҳтожларнинг ҳожатларини раво қилишга интизор бўлиб турсин ва билсинки, унинг эшиги олдида мусулмон мунтазир ва муҳтож бўлиб турибди. Унинг ҳожатини раво қилсин. Бошқа ҳеч бир ибодатга машғул бўлмасин. Ўзининг роҳатини мусулмонларнинг ҳожатидан устун кўрмасин.

Демак, давлат бошлиғи мухтож, ночор инсонларнинг аҳволидан хабардор бўлиши ҳамда уларга доим ёрдам қўлини чўзиши лозим. Бу масала ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тамойиллар билан ҳамоҳанг ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармонидаги “тараққиёт стратегиясида инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасига мувофиқ келади. Фармонга кўра, 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олиниб, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга мухтож аёллар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилишни назарда тутади.

Учинчи шарт шуки, еб-ичишда хулафои рошидиннинг сийратига эргашсин. Яхши овқатларни ейишга, қимматбаҳо кийимларни кийишга одат қилмасин.

Ривоят борки, амирал мўъминийн Али Муртазо (р.а.) халифалик маснадида ўтиргач, бир кун бозор борди. Уч дирҳамга бир кўйлак сотиб олди. Енги кўлининг тўпиғини яшириб турар эди. Пичокни олиб, уни кесиб ташлади. Одамлар сўрашди: “Эй амирал мўъминин, нега бундай қилдингиз?”. У жавоб берди: “Шундай қилсам, таҳоратга қулайроқ, камтарликка лойикроқ ва мўъмин-мусулмонларнинг иқтидо қилмоғига сазоворроқ бўлади”.

Инсон жамиятда яшар экан, ўзига раво кўрган нарсани, ўзгага ҳам раво кўрмоғи лозим. Аксинча, бахиллик туфайли жамиятнинг нафратига дучор бўлиши тайин. Бу дунёнинг моддий лаззатларига берилиб кетмасликни Яъқуби Чархий доимо ўз ижодида тасвирлайди. Фоний дунё ўткинчи, боқий дунё адабийдир. Шу сабабли қисқа фоний дунёда очкўзлик туфайли, боқий дунёда азобланиб юришнинг кераги йўқдир. Инсонларнинг барчаси Аллоҳ олдида тенгдир. Шу сабабли инсон кибру ҳавога берилмаслиги керак. Мақтаниш, ўзини юқори тутиш, савлат қилиш каби кибрнинг таркибий қисмлари охир-оқибат инсонни ёлғизликка маҳкум этади.

Тўртинчи шарт шуки, ҳукм пайтида мулойимсўз бўлсин. Кераксиз ўринда аччиқ сўзламасин. Ҳужжатга эга бўлганидан кейин кўп куттирмасин. Заифлар ва мискинлар билан гаплашишдан ўзини олиб қочмасин. Демак, подшоҳ ва ҳокимларга халқни дардини тўғри эшитиши, ҳар бир ишни амалга оширишда аввал текшириб, сўнг амалга ошириши, ғазабланмаслиги, ҳужжатларни

кўраётганда чарчамасдан, оддий инсонларни менсимаслик қилмасликка чақиради.

Форобий фикрича, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур.

Бу ҳақда “Темур тузуклари”да ҳам келтирилган. “Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим. Ҳар неки десам, унга ўзим амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомалада бўлмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, холимни танг этмасин деб.

Инсон боласи борки, орзу умид билан яшайди. Давлат ва жамият унинг орзу ва мақсадлари ушалишига ёрдам бериши шарт ва зарур. Биз ана шундай давлатни-қалбимиз ва онгу шууримиздан мустаҳкам ўрин олган Янги Ўзбекистонни барпо этишга қатъий бел боғладик.

Бешинчи шарт шуки, халқни ризоси учун бирон ҳукм қилмасин, кимнидир хушнуд қилиш учун ҳақиқат ва шариатдан фойдаланмасин. Билгинки, ҳукуматнинг бир хусусияти шуки, халқнинг муҳиммоти одил ҳокимсиз амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳокимнинг ҳукми Ҳақ ва халқнинг ризосидан бошқа нарсага мойил бўлмасин. Ҳақни ўзидан рози қилиш йўлида халқдан кўрқмасин. Шунда Ҳақ халқни ҳам ундан рози қилади. Чунки, Пайғамбар (с.а.в.) айтганлар: “Кимки чин дилдан Аллоҳ ризосини талаб қилса, Аллоҳ ундан халқни рози қилиб қўяди”.

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим-Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фаолиятини йўлга қўйилди. Давлат ташкилотлари фаолиятида “маҳаллалар кесимида ишлаш”, “халқ ичига кириш”, унинг “дардига қулоқ солиш”, “ташвишига шерик бўлиш” ва “муаммоларни жойида ҳал этиш” тамойиллари ўрнатилди.

Яъкуби Чархий фикрича, подшоҳ халқ ризолиги йўлида сусткашликка йўл қўймаслик таъкидлайди. Подшоҳликнинг белгиларидан бир шундан иборатки, халқнинг дарди, муаммоси адолат орқали амалга ошади. Шунинг учун Аллоҳ подшоҳдан рози бўлса, халқ ҳам ундан рози бўлади.

Янги Ўзбекистонда кўп йиллар, асрлар давомида амал қилиб келинган “давлат-жамият инсон” тамойилларини “инсон-жамият-давлат” тамойилига ўзгартирилди. Юртимизда “Давлат-инсон учун” ғояси амал қила бошлади.

Олтинчи шарт шуки, ҳукумат ва бошқарувга боғланиб қолмасин. Аниқ билсинки, амирлик ва ҳукумат мансаби илоҳийдир. У орқали саодатни ва охиратдаги некномликни топиш мумкин ва ҳам шақовату бадбахтликка гирифтор бўлиб, абадий бадномликни сотиб олиш мумкин. Жаҳоннинг қанча ҳокимлари ўткинчи давлатнинг лойига ботиб, мағрур бўлдилар. Нафс ва ҳаво орқасидан эргашиб, ўз динларини вайрон қилиб, Аллоҳ хоҳламаган ишларни қилиб, иймонларини елга совурдилар. Бас, ҳозир ихтиёр жиловни қўлда экан, диний ва дунёвий давлатни абадий қўлдан бермасликка жаҳд қилсин ҳамда савобли ишлар режасини тузсинлар, адолат йўлидан юришни ғанимат билсинлар. Хабарда келадикки, одил ҳокимнинг ҳар кунлик одил ҳукми барча раиятнинг тоатига тенгдир. Бас, подшоҳ ҳамиша ўзини бу саодатдан маҳрум бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилиши керак.

Яъқуби Чархий, пайғамбаримизнинг **“бир соатлик адолат олтмиш йиллик нафл ибодатдан афзал”** мазмунидаги ҳадисини эслатиб, давлат раҳбарлари ҳамиша адолат тарозисини ҳар ишда, ҳар доим қўллашлари лозимлигини уқтиради, одилликни давлат мустаҳкамлиги, умрбоқийлиги ва равнақининг асоси эканлигини баён қилади. Бу адолатнинг ибодатдан афзаллигини, мўмин-мусулмон адолат тантанаси учун интиломоғи лозимлигини қайд этишдир.

Нақшбандия тариқати назариётчиси Махдуми Аъзам ХОН деб **адолатни**, унинг мезони қилиб-**ҳақиқат** ва икки палласида эса **шариат** ва **тариқатни** кўрсатади. Адолат инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган қудратли маънавий кучга эга бўлган ғоядир.

Яъқуби Чархий фикрича, подшоҳ давлатни хатарда қолдириб, ғафлатда бўлмаслиги керак. Чунки, подшоҳлик мансаби бу бир восита бўлиб, охиратнинг саодати, яхшилиги ёки абадий бадбахтликка қолишиши мумкин. Булар адолат йўлини тутиб, савоб топишни ўзига ғанимат билсинлар. Мутасаввиф таълимотида баъзи подшоҳлар ва амалдорлар фоний бойликларга алданиб, нафси амморага берилиб, ўз иймонини бузмоқдалар.

Халқимизда ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланмоқда. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш-Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шартидир. Халқимизнинг бу борадаги тараққиёт стратегияси нафақат ички ва ташқи сиёсатдаги ислохотлар сари ташланган қадамда, балки, энг аввало, давлатнинг инсонга, халққа, халқнинг давлатга бўлган мунособати ўзгараётганида ҳам намоён бўлмоқда.

Еттинчи шарт шуки, олимлар ва солиҳ кишилар суҳбатига рағбат кўрсатсин. Бундай кишилар бу жаҳонда камдирлар, хоссатан, шу кеча-кундузда камёбдирлар. Мабодо, Аллоҳнинг кўмаги билан бундайларни топса, уларнинг суҳбатига ҳарисманд бўлсин ва бу қавмнинг борлигини ўз замонининг саодати деб билсин. Дажжол сифатли ва сийратли кишилар суҳбатидан қочсин. Ҳозирги замонда халққа уламо ва машойих суратида кўринадиган ва дунё сарқити учун тамаъ қилиб, ҳар кимга ҳамду сано ўқийдиган солиҳсурат фосиқлардан узоқ бўлсин. Эҳтиёт бўлсинки, улар уламо ва машойих кийимида бўлган диннинг кушандасидирлар.

Бундай фикрлар “Темур тузуклари” да ҳам келтирилган: “сайидлар, уламо, машойих, окилу доно лар, муҳаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза калбли кишиларга талпиндим, уларнинг ҳимматларидан улуш тилаб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қилдим. Дарвиш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ғийбат қилсалар, кулоқ солмадим.

Демак, Яъқуби Чархий фикрича, подшоҳ уламолар солиҳ кишиларнинг зиёрати ва суҳбатига интилувчи бўлиши керак. Подшоҳ уламо ва машойих суратига кириб, ҳар қандай бойлик тамасида дуо айтувчи, жоҳил, дажжол сифатли фосиқларнинг суҳбатидан қочиши лозим. Чунки, бу тоифа кишилар уламо ҳамда машойихларга ўхшасада, аслида динни вайрон қилувчи ҳисобланади. Шунинг учун мутасаввиф подшоҳларга илм аҳлини эъзозлаши, суҳбатда бўлиб туриши, давлатни бошқаришда маслаҳат олиши керак деган хулосани келтиради.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг “Яна бир бор таъкидлайман: мен Янги Ўзбекистонни-обод ва фаровон, демократик мамлакатни, Учинчи Ренесансни барпо этишда педагоглар, профессор-ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларни энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан. Уларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришни Президент сифатида ўз бурчим, деб ҳисоблайман”. Жумладан, “2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда биз, авваламбор, фуқароларимиз билан мулоқот қилдик, бамаслаҳат иш тутдик, халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таяндик”– деган

фикрлари ҳамда олиб борилаётган ислохотларини, айнан Форобий, Амир Темур ҳамда Яъкуби Чархий ғояларининг амалий натижаси сифатида кўришимиз мумкин.

Саккизинчи шарт шуки, жабру зулм ва такаббурлик қилиб халқни ўзидан узоқлаштирмасин, балки адолат ва инсоф билан ҳамда заифларга ва тангдастларга шафқат кўрсатиш орқали ўзини раиятга севимли қилсин. Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрдилар: “Сизларнинг подшоҳларингизнинг энг яхшиси шундай кишики, у сизларни ёқтиради ва сизлар ҳам уни ёқтирасизлар ва энг ёмон ҳокимларингиз шундай кишики, у сизларни душмандек кўради ва сизлар уни душмандек кўрасизлар”.

Мутасаввифнинг ушбу шарти “Темур тузуклари” даги “адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнгилдан жой олдим. Сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва кўрқинч орасида тутдим. Фуқаро ва кўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим...” -деган фикрлар билан умумийлик мавжуд.

Яъкуби Чархий фикрича, подшоҳ ва амалдорлар кибр ва зулми билан халқни бездирмасдан, кўрқитмасдан, балки адолатпарварлиги, заифларга ҳамда кўл остидаги ишлайдиганларга йўл-йўриқ кўрсатиб, меҳрибонлик кўрсатиб, дўст тутиши орқали ҳурмат қозониши мумкин. Демак, Президентимиз таъбири билан айтганда: “одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг мавҳум келажакда эмас, балки бугун фаровон яшашини таъминлаш, уларнинг ҳаётини муаммоларини ҳал этиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш Янги Ўзбекистон стратегиясининг олий мақсади ҳисобланади”.

Тўққизинчи шарт шуки, подшоҳ кўл остидаги хиёнаткор ноиблар ва хизматкорларнинг қилаётган ишларидан ғафлатда қолмасин. Бўри табиатли золим кимсаларни раият устига бошлиқ қилиб қўймасин. Улардан қайси бирида зулм ва хиёнат зоҳир бўлса, тезда бошқаларга ибрат бўлиши учун жазосини берсин. Подшоҳлик сиёсатида сусткашлик қилмасин. Давлат арбобларини сиёсат ва насиҳат билан тарбияласин.

Давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутишини яхши тушунган Низомулмулк уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни, ҳар бирига лойиқ амал бериб, асосий мақсад йўлида тарбия қилишни муҳим бир талаб деб билади. Ҳар қайси амалдорни тарбиялашга кўп вақт кетиши ва бу мушкул иш эканини тушунтириб, ҳокимларга кўл остидагиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради. Амалдорнинг хатосини кўриб, уни дарров ишдан олиш тўғри эмаслигини, уни

биринчи мартаба кечириб, яна хато қилмаслиги учун ҳимоя қилиш кераклигини айтади.

Яъқуби Чархий фикрича, подшоҳлар қўл остида ишлайдиган зулмкор ноиб ва жоҳил амалдорларнинг хиёнатига бефарқ бўлмасдан, сиёсатни менсимаганлиги сабаб бошқаларга ибрат бўлиши учун жазо бериш керак бўлади. Чунки, подшоҳ амалдорларни сиёсат ва насихат билан адаб бериш лозим. Бугунги кунда юртбошимизнинг ҳокимларга олиб бораётган сиёсати шундан далолат беради.

Ходимларни бошқариш тизими ташкилот учун керакли кадрларни танлаш ва сақлаш, уларни касбий ўқитиш, ҳар бир ходимнинг фаолиятини, ҳатти-ҳаракатларини тўғри баҳолаш ва самарадорлигини оширишдан иборат бўлади. Айниқса, республикада рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва инновацияларни ривожлантириш натижасида юқори малакали кадрлардан иборат замонавий ташкилотларни шакллантириш ҳозирги давр талаби бўлиб қолмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жорий йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида кадрлар масаласига тўхталиб шундай деганди: “Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик-бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик-бу билимсизликдир! Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”.

Ўнинчи шарт фаросатдирки, унинг подшоҳ ва ҳукмдорларда бўлиши вожибдир. Бўлаётган ҳар бир ҳодисанинг ҳаддига, воқеаларнинг маъноларига назар қилсин. Ҳар бир ҳукмни фаҳм ва ақлига ҳозир қилиб, басират орқали ҳақиқатни ажрата олсин. Лозим нарсаларга, керакли жиҳатларга ва сабабларга боқсин. Моҳиятни тушунсин. Шаръий масалаларнинг фарқига борсин. Хуфя ишораларнинг сирларини фаросат нури билан англасин. Бу маъноларда ҳар кимнинг гап-сўзларига ишонмасин. Чунки, ҳодисалар бениҳоятдир, улар вафо қилмайди.

Яъқуби Чархийнинг “Рисола дар маноқиб ва ақоид” асаридаги ғоялари унинг даврида нақшбандия сиёсий фаолиятида тариқатнинг “сиёсий дастури” сифатида у ёки бу даражада ҳаётга тадбиқ этила бошланди.

Мутасаввифнинг ижтимоий-сиёсий таълимоти шуни кўрсатадики, халқнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг манфаатини ҳимоялаш учун турли воситалардан, инчунун сиёсий институтларнинг имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш

зарур. Мақсад юрт тинчлиги, эл фаровонлиги бўлиши лозим. Бу таълимот миллий истиқлол мафкурасининг теран диний-фалсафий илдизларидан биридир.

Нақшбандия тариқатининг XIY асрдаги буюк раҳнамози Яъқуби Чархийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти истиқлол туфайли вужудга келган янгича руҳ ва мазмундаги фалсафа ва тарихшуносликнинг долзарб масалалари сирасига киради. Лекин бу муҳим масала узоқ йиллар давомида қўлёзма манбалар асосида мукамал ва холис ўрганилмади.

Яъқуби Чархийнинг ушбу бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкин:

- Мутасаввиф “Рисола дар манокіб ва ақоид” асари асосида ўзи яшаган хонлар ва амалдорларнинг давлатни бошқаришга оид қарашларни ижтимоий-фалсафий тадқиқ қилади;

- Яъқуби Чархий подшоҳларнинг фазилатлари ҳамда давлатни бошқаришда ўнта шартга амал қилиш зарурлигини таҳлил этади;

- Яъқуби Чархийнинг подшоҳ ва ҳукмдорлар билан мунособати, жамоани тинчлиги каби ғояларини Хожа Аҳрори Валий, Муҳаммад Қозий ҳамда Махдуми Аъзамлар давом эттириб, ривожлантирган ва маълум тизимга солган;

- Мутасаввифнинг ижтимоий-сиёсий фаоллик ғоясини давр тақозоси, муҳит талаби деб айтиш мумкин;

- Яъқуби Чархий давлат раҳбарлари адолатли, виждонли, қалби пок, талабчан, ақл-заковатли, узоқни кўра биладиган киши бўлмоғи лозим деган эзгу даъватлари ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тамойиллар билан ҳамоҳанг ҳисобланади.

Ер куррасининг турли нуқталарида низо ва адоватлар ўчоғига чўғ қадалган ҳаракатлар бўлаётган ҳозирги жараёнда Яъқуби Чархийнинг тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтиришга қаратилган ушбу эзгу даъватлари ўзига хос долзарб аҳамият касб этади.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Наврўзова Г. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси.– Т.: “Фан”, 2021. – Б. 41.
2. Яъқуби ибн Усмон ибн Махмуд ал-Ғазнавий ал-Чархий. Рисола дар манокіб ва ақоид. ЎзРФА ШИ хазинаси, инн. № 5478/ VI; ЎзРФА ШИ хазинаси, инн. № 5478/ VI; – Б. 220.

3. З.Алиқулов Ҳ. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-маънавий мероси. – Т.: NOSHIR, 2013. – Б. 89.
4. Муҳаммаджонов А. Амир Темур. – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2013. – Б. 29-32.
5. Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий сиёсий қарашлари. – Т. Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 105.
6. Мирзиёев. Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: O‘zbekiston, 2021. – Б. 236.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. <http://www.press-service.uz>.
9. Санджар, М. Одним из факторов чистоты сердца является Футуват. *Международный журнал инноваций в инженерных исследованиях и технологиях*, 98-101.
10. МУРАДОВ, С. А. СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ФАРИДУДДИНА АТТОРА. *МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ Учредители: ООО "Издательство Молодой ученый"*, (51), 529-531.
11. Мурадов, С. А., & кизи Касимова, Ф. Ф. (2022, December). ФИЛОСОФИЯ ДИЗАЙНА: ОСОБЕННОСТИ И СУЩНОСТЬ. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 7, pp. 51-59).
12. Санжар, М. (2020). Взгляды Фаридуддина Аттара на бытие. *Международный журнал прикладных исследований. ИДЖАР*, 6(6), 34-36.
13. Муродов, С. А. (2009). Ибн Сино, Атор ва Навоий асарларида кушлар тимсоли. *Имом ал-Бухорий сабоқлари», Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. Тошкент*, 273-276.
14. Мурадов, С. А. Современные методы философии и их значение в развитии мышления человека. *Актуальные исследования*, 51.
15. Murodov, S. A. (2022, November). Relationship between the universe and man in the works of Fariduddin Attor. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 6, pp. 35-41).
16. Karimov, B. K. (2022). HARMONY OF MIND AND SPIRIT. *THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD*, 1(2), 56-61.
17. Каримов, Б. (2011). Гармонизация взаимоотношений государства, общества и человека как основа справедливого общества. постановка вопроса. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 8(1), 71-73.
18. Мирзакулов, Б. Т. (2015). Дипломатические и торговые связи Бухары с Россией XVI–XVIII вв. *Молодой учёный*, 20, 548.
19. Мирзакулов, Б. Т. (1994). Рабочая кооперация Узбекистана в 20-е-начале 30-х гг.
20. Султонова, Л. С. (2022). МЕСТО ИНЖЕНЕРНОЙ ПЕДАГОГИКИ В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ ИНЖЕНЕРОВ. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 1(6), 29-34.

21. Sultanova, L. (2021). The historical roots of spiritual education of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 461-463.
22. Aminovna, B. G. (2021). The role of social system and political ideas in achieving human prosperity. *Thematics Journal of Education*, 6(November).
23. Аминовна, Б.Г. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ВНУТРЕННИХ И МЕЖДУНАРОДНЫХ ПУТЕЙ СВЯЗИ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ КОРОЛЕВСТВ В РАЗВИТИИ ТОРГОВЛИ. *Web of Scientist: Международный научный исследовательский журнал*, 3 (10), 12:00–12:05.
24. Темиров, Ш. Т., & Азимов, А. А. (2016). Экономический и культурный рост народов центральной азии в IX-X веках. In *Интеграция современных научных исследований в развитие общества* (pp. 104-105).
25. Jahongir, S. (2020). Philosophical views of Umar life. *Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal.–India*, 10(4), 360-364.
26. Shodiev, J. J. (2020). Interpretation of moral facts in the opinions of Umar Khayyam. *International engineering journal for research & development.-India*, 5(3), 143-148.
27. Шодиев, Ж. Ж. Interpretation of the image of may in the ruba of Umar Khayyam. *Monografia pokonferencyjna science, research, development*, 33, 2020-30.
28. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайём фалсафий қарашларида инсон тақдири ва эркин ирода масаласи. *Наманган давлат университети Илмий ахборотномаси*, 2, 197-204.
29. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайёмнинг асосий асарлари ва рубоийларининг тузилиши, мазмуни ва таҳлили. *Илм Сарчаималари.-Урганч*, 10, 44-47.
30. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайём рубоийларининг талқини ва тавсифи. *Наманган давлат университети Илмий ахборотномаси*, 9, 206-210.
31. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайёмнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. *Фалсафа ва ҳуқуқ.–Тошкент*, 3, 107-110.
32. Shodiev, J. (2021). The problem of knowledge in the philosophical views of Umar Khayyam. *Imat al-Bukhari IBS Journal*, 2.
33. Шодиев, Ж. (2022). Илк уйғониш даврида–комил инсонни шакллантириш ватарбиялашда тасаввуф таълимотининг ўрни. *Scientific Bulletin of NamSU-Научный вестник НамГУ-NamDU ilmiy axborotnomasi–2022-yil_4-сон*, 229.
34. Шодиев, Ж. Ж. Мамлакатимизда инсон қадрини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. *Қарду хабарлари. Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар)*.
35. Shodiev, J. J. (2020). INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF UMAR KHAYYAM RUBAYA. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(9), 206-211.
36. Jurakulovich, S. J. (2022). AGAINST IGNORANCE-FIGHTING WITH ENLIGHTENMENT THE MAIN CRITERIA IN IMPROVING HUMAN VALUE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 1160-1164.

37. Jurakulovich, S. J. (2022). ATTITUDE TO HUMAN DIGNITY IN THE PERIOD OF AMIR TEMUR AND TEMURIDS DYNASTY. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 43-47.
38. Shodiyev, J. (2021). JAMIYATDAGI MEHNAT MUNOSABATLARI SHAROITIDA MA'NAVIY SALOHİYAT. *Журнал истории и общества*, (2)
39. SHODIEV, J. (2021). SOCIO-POLITICAL LIFE AND THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN THE PERIOD OF UMAR KHAYAM. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz)*, 1(1).
40. Shodiyev, J. (2021). O'ZBEKISTONDA IJTIMOİY-SIYOSIY KOMMUNIKATSIYA RIVOJLANISHIDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYA SIYOSATI. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 409-416.
41. Shodiyev, J. J. (2020). U THE QUESTION OF HUMAN DESTINY AND FREE IN THE PHILOSOPHICAL VIEWS OF OMAR KHAYYAM. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 2(2), 197-202.
42. Shodiev Jahongir Jurakulovich. Interpretation of moral facts in the opinions of Umar Khayyam. *International Engineering Journal For Research & Development* 2020/4/16.
43. Jurakulovich, S. J. (2023). The role of the national idea in increase of human values. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 1160-1164.
44. Shodiyev Jahongir Jo'raqulovich. Inson qadri va uning huquqlari eng oliy qadriyat: tarixiy-huquqiy meros. *Ilm sarchashmalari/ Urganch – 3.2023*. 19-21.
45. Azimov, A. A., & Avliyokulov, U. M. (2019). СОЦИАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЭПОХИ АБУ АБДУЛЛАХ РУДАКИ. *Theoretical & Applied Science*, (5), 560-562.
46. Азимов, А. А., & Темиров, Ш. Т. (2016). Политическая и социальная жизнь в бухарском эмирате во взглядах ахмада дониша. In *Интеграция современных научных исследований в развитие общества* (pp. 66-67).
47. Азимов, А. А., & ўғли Рўзиев, А. Ш. (2022, December). ОСОБЕННОСТИ КНИГИ АВЕСТА. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 7, pp. 37-42).
48. Azimov, A. A. (2022). PHILOSOPHICAL AND ETHICAL IDEAS OF THE EARLY RENAISSANCE OF THE EAST IN CENTRAL ASIA AND THEIR REFLECTION IN THE VIEWS OF ZAKARIA AR RAZI. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE*, 1(7), 57-62.
49. Азимов, А. А., & Темиров, Ш. Т. (2016). КУЛЬТУРНАЯ И АРХИТЕКТУРНАЯ ВЗАИМОВЛИЯНИЯ ВОСТОКА И ВОСТОЧНОЙ ЕВРОПЫ С БУХАРОЙ. In *Современные тенденции развития науки и производства* (pp. 33-34).
50. Vafoev, F. M. (2020). О НЕКОТОРЫХ КОНТУРАХ НОВОГО МИРОВОГО ПОРЯДКА: ЭВОЛЮЦИЯ, ПРОГНОЗЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 388-390.

51. Бафоев, Ф., Мирзаходжаев, А., & Мирзаев, А. (2018). Принцип неделимости безопасности: непрерывность, целостность, универсальность. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 15(1), 80-83.
52. Феруз, Б. (2015). Среднесрочные приоритеты США в Центральной Азии: основы, стимулы, коррективы. *Центральная Азия и Кавказ*, 18(2), 27-37.
53. Бафоев, Ф. М. (2022, November). СТАТИСТИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ КАК ИНДИКАТОР ЭФФЕКТИВНОЙ РЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ (ЦУР). In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 6, pp. 42-50).
54. Бафоев, Ф. (2012). К ВОПРОСУ ОБ ЭВОЛЮЦИОННОМ ПРИНЦИПЕ СТРОИТЕЛЬСТВА НОВОГО ОБЩЕСТВА В НЕЗАВИСИМОМ УЗБЕКИСТАНЕ. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 9(1), 54-55.
55. Bafoev, F. (2019). LIBERAL ISLAM IN THE CONTEMPORARY WORLD: NEW LANDMARKS OF TRUMP'S ADMINISTRATION. *Central Asia & the Caucasus (14046091)*, 20(2).
56. Бафоев, Ф., Мирзаходжаев, А., & Мирзаев, А. (2018). Принцип неделимости безопасности: непрерывность, целостность, универсальность. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 15(1), 80-83.
57. Феруз, Б. (2015). Среднесрочные приоритеты США в Центральной Азии: основы, стимулы, коррективы. *Центральная Азия и Кавказ*, 18(2), 27-37.
58. Шукуруллаев, Ю. (2022, December). СОЗДАНИЕ ВОЕННЫХ УСТАВНЫХ ГРУПП ЕВРОПЕЙСКОГО ТИПА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 4, pp. 42-51).
59. Шукриллаев, Ю. А. (2006). Бухоро амирлигида кўшин ва ғарбий иш (1756-1920 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий дражасини олиш учун езилган диссертация.-Тошкент, 2006.
60. Шукруллаев, Ю. А. Армия Бухарского эмирата и военное дело (1756-1920 гг.). Автореферат кандидатской диссертации по истории.-Ташкент, 2006.-26 с.; К вопросу о дипломатических сношениях между Россией и Бухарой через Оренбург в конце XVIII-начале XIX веков. *Общественные науки в Узбекистане*.-1962, 7, 55-59.
61. Ахмеджанов, М. М., & Нурматова, Н. У. (2017). Роль воспитания молодежи в духе толерантности в процессе глобализации. *Молодой ученый*, (7), 421-422.
62. Нурматова, Н. У. (2017). Применение мультимедийных технологий в образовательных учреждениях. *Міжнародний науковий журнал Інтернаука*, (6), 25-27.
63. Ахмеджанов, М. М., & Нурматова, Н. У. (2016). Farabi-first philosopher in his times. *Молодой ученый*, (2), 943-944.
64. ЗОИРОВ, Э. Х. НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМИ АЪЗАМА. *АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Учредители: ООО" Агентство перспективных научных исследований"*, (20), 29-32.

65. Зоиров, Э. Х. (2022, December). ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМИ АЪЗАМА. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION"* (Vol. 1, No. 4, pp. 121-131).
66. Zoirov, E. H. (2021). Questions of ontology of nature in the teachings of mahdumi azam. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 91-94.
67. Зоиров, Э. Х. (2022). ОРИФ РЕВГАРИЙ-ВТОРОЙ ПИР БУХОРО-И-ШАРИФ. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 1(6), 35-43.
68. Khalilovich, Z. E., & Orifovich, D. G. (2020). ANALYSIS OF THE TEACHINGS OF MAHDUMI AZAM AND CLASSIFICATION OF PAMPHLETS. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(4), 4-4.
69. Nigmatovna N. G., Erkinovna U. V. Pharaoh of the weavers of bahauddin naqshband // *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 922-926.
70. Наврўзова, Г. (2005). Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. *Тошкент: "Фан, 233*.
71. Nematovna, N. G. (2021, February). The essence of Abu Ali Ali Sina's treatise on birds and the influence of mystical ideas on its development. In *Archive of Conferences* (Vol. 16, No. 1, pp. 19-23).
72. Наврўзова, Г. Н. (2021). Махдуми Аъзам Нақшбандия асоси бўлган тўрт калима хусусида. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 188-199.
73. Наврўзова, Г. Н. (2007). Нақшбандия-камолот йўли. *Тошкент: "Фан, 189*.